ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# MAHALLA

Ўзбекистон “МАҲАЛЛА” хайрия жамғармасининг нашри

№ 11-12 (143-144) | 2000 йил 9 февраль, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 февраль куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 февраль соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасини Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантириш тўғрисида

**Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини бошқаришни янада такомиллаштириш ва назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида:**

1. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантирилсин. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан саноатда ишларнинг бехатар олиб борилиши бўйича қонунчилик ҳамда меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хом ашёни қайта ишлаш ва металлургия жиҳатидан саралаш, шунингдек кон ишларининг геология-маркшейдер таъминоти талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ўта хавфли ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг (мулкчилигининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) техника хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг конқутқарув хизматларига тезкор ва услубий раҳбарлик қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 7 февраль.

## ШУ СОННИНГ

**2-САҲИФАСИДА:**

- *Бугунги кунда ишга, меҳнат ўринларига талаб бор экан, шунга яраша таклиф бозори ҳам етарли даражада шаклланган. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бош бошқармасининг раҳбари С.Саидкаримов фикр юритади.*
- *Маҳалла аслини олганда мамлакатимизнинг бир парчаси. Мамлакатдаги барча ўзгаришлар маълум маънода маҳалла ҳаётида ҳам ўз аксини топади.*

**3-САҲИФАСИДА:**

- *Сурхонда бойчечак чиқибди, ростдан.*
- *«...фурсат кутиб юрган шахс ниҳоят бугун уй эгаларининг тўйда ўтирганларини кўриб, ўзининг шум ниятини амалга оширди».*
- *Халқ ўйинлари-фақат тарихда қолмасин.*
- *Янги давр маҳалласининг раиси қандай бўлиши керак?*

**4-САҲИФАСИДА:**

- *Ҳали яқин аждодларимизнинг тушига ҳам кириб улгурмаган компьютер технологияларини бундан 500 йил аввал Навоий бобомиз таърифлаб кетган эдилар.*
- *Ёвуз душман қуролини қўлга олганда тинчликсевар Тошкент бунёдкорлик, яратувчанлик дастагини байроқ қилиб кўтарди. Навоий номидаги театр шу тариқа бунёд бўлди.*
- *Фозил қори Собиров: «Баъзи одамлар бор, бирон жойи ожиз аъзосида нуқсонлар бўлади. Лекин шундайлардаги иймон, эътиқод, одамийлик, инсоф, шарму ҳаё баъзи тўрт мучаси соғларникидан кучли бўлади.*
- *Асаблари таранг тортилган шоир «Тиғ остидаги мухаммас»ни битади.*

## Бугун Алишер Навоий таваллуди куни



*Навоийдан наволар бўлди охир,*
*Юракдан муддаолар бўлди охир.*
*Улуғ Жомийга дўсту ҳамдам ўлди,*
*Бу дўстлик тоабад мустаҳкам ўлди.*
*Ҳамон тожигу форсу турку ўзбек,*
*Жудо бўлмас яқиндир қошу кўздек.*
*Ўтиб даври асрлар ёд этар эл,*
*Улуғларнинг руҳини шод этар эл.*
*Навоийга қўйиб ҳайкал-тамалтош,*
*Ёзиб улкан рўмон Ойбек замондош.*
*Улуғ шоир ҳақида изланишлар,*
*Маромга етди кўп тадқиқий ишлар.*
*Воҳид Зоҳидов аввал сурди тулпор,*
*Самарқанддан Воҳид Абдулла шунқор,*
*Кейин Порсойи Шамс, Ҳамид Сулаймон,*
*Навоий деб, шу йўлда уздилар жон...*
*Яшар ўзбек эли то бу жаҳонда,*
*Навоий шеъри бор ҳар хонадонда!*

*4-саҳифада* ⇨

Тадбиркорнинг қўли баланд

## Худойберган Ҳожиев хориж бозорини кўзламоқда

***«Минг қўшчига бир бошчи» деган пурҳикмат иборанинг қанчалик тўғрилигини бу корхонага келган янги раҳбар амалда исботлади.***

**Аслида «Туя гўшти еган қурилиш» деб ном олган консерва заводи бир неча йилларда аранг 1996 йилга келиб ишга тушди. Бироқ, баъзи сабабларга кўра тўла қувват билан ишламади, яъни «уловидан тушови» қимматга тушиб, кетган харажатни қоплай олмади. Нукус ва Манғит шаҳарларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини бошқариб, катта тажриба тўплаган, табиатан ўта тадбиркор ва ишбилармон Худойберган Ҳожиев бу ерга раҳбар қилиб тайинланди-ю, бозор муносабатларига ўтиш шароити талабларига тўла жавоб берган ҳолда қизғин иш бошлаб юборди. Дастлабки кунларданоқ юмушларнинг баракали бўлиши учун кўп йиллардан буён тўплаган шахсий жамғармасини ҳам, хусусий транспортларини, ҳатто ўзи миниб юрган енгил автомашинасини ҳам ишлаб чиқаришга жалб этди. Шу ўринда туманнинг собиқ ҳокими, ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси бўлиб ишлаётган А.Тожиев, туман ҳокими Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Н.Худойбергановлар ҳам зарур пайтларда кўмакларини асло аямади. Хуллас, катта саъй-ҳаракатлар эвазига йилига 3 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарувчи корхона бир маромда маҳсулот тайёрлай бошлади. Сал фурсатдан кейин завод қошида кунига 10 тонна сутни қайта ишлайдиган цех ҳам ишга тушди. Мана, ярим йилдирки, Нукус, Бўстон шаҳарларидаги савдо нуқталарига «Бўстонконсервасутзаводида ишланган» деган тамға билан қаймоқ, сариёғ, пишлоқ, сузма, қовун қоқи, олма, ўрик, сабзи шарбатлари мунтазам равишда юборилмоқда. Бу маҳсулотлар нисбатан арзонлиги ва сифатлилиги боис қисқа муддатда ўз харидорини топди.**

**Энг муҳими, корхона ишга туширилгач, 45 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Бизга ҳукуматимиз томонидан жуда катта имтиёзлар берилди, шароитлар яратилди. Бундан оқилона фойдаланиб,ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаол қатнашиб, ишлаб чиқариш ҳажмини, тайёр товарларни кўпайтириш учун хорижликлар билан алоқани кенгайтириш талаб этилади.**

**Бизнинг асосий мақсадимиз хориж бозорларига чиқишдир. Бунинг учун товарларни чет эл харидорларига бежирим кўринишда тавсия қилиш лозим. Рақобатбардош, харидоргир таматлар, консервалар, ҳар хил ичимликларни кўз-кўз қиладиган даражада қадоқлаш, ярашиқли ёрлиқлар билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида қўшма корхона барпо этиш хусусида бизга нисбатан анча тажрибали ишбилармонлар билан фойдали келишувларга эришдик.**

**Бир сўз билан айтганда қадимий Элликқалъанинг табаррук замини неъматларидан тайёрланган товарлар яқин фурсатларда жаҳон бозорларида ўз ўрнини топади.**

**И.АБДУРАХМОНОВ,**
**Элликқалъа тумани.**



**Ҳалол меҳнатидан пиру бадавлат бўлиб келган халқимиз ҳунармандлик анъаналарини ҳеч қачон хор қилиб қўймаган. Устачилик, кулолчилик, тандирчилик касблари бугунги кунимизда ҳам талаб ва таклиф бозорининг олди ўринларида туриши шубҳасиз.**



## Навоий лирикаси - рассомлар ижодида

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий кўргазмалар дирекцияси улуғ мутафаккир, шоир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 559 йиллигига бағишлаб «Навоий лирикаси - рассомлар ижодида» кўргазмасини ташкил этди.***

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида очилган мазкур кўргазмадан мамлакатимиз мўйқалам усталарининг буюк шоир ижодидан илҳомланиб яратган ўнлаб асарлари ўрин олган. Улар орасида Чингиз Ахмаров, Абдулҳақ Абдуллаев, Баҳодир Жалолов, Саъдулла Абдуллаев, Азиза Маматова, Собир Раҳметовнинг асарлари бор. Кўргазмадан Камолиддин Беҳзоднинг шоир ижодига бағишланган миниатюралари ҳам жой олган.

/ЎзА/

## 069 ЯНА ИШ БОШЛАДИ

***Яқин-яқингача аҳоли дори-дармон излаб энг осон йўлни тутарди — 069 телефон хизматига қўнғироқ қилиб, керакли дори шаҳарнинг қайси дорихонасида сотувда борлигини саноқли дақиқаларда билиб оларди. Яқиндан бошлаб мазкур 069 телефон хизмати яна иш бошлади.***

— Баъзи иқтисодий-молиявий сабабларга кўра бу телефон хизмати 1999 йили бутунлай ишламади, — деди «SORIZ» соғлиқни сақлаш корхонаси директори Александр Мухин. — Соғлом авлод йили деб эълон қилинган 2000 йилдан бу хизмат йўналишини фирмамиз ижарага олди. Ҳозирги кунда шаҳарнинг юздан ошиқ дорихоналарининг раҳбарлари, провизорлари билан шартномалар тузиш бўйича маркетинг ишлари олиб боряпмиз.

А. Мухиннинг гапига қараганда, аҳолига қулай ва текин хизмат кўрсатадиган ушбу йўналиш имкон борича кўпроқ дорихоналар ва ахборотлар билан «қуролланса»гина кўнгилдагидек ишлай олади.

«Туркистон-пресс»

MAHALLA
Ўзбекистон “МАҲАЛЛА” хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:** 148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

**Таҳририят манзили:**
Тошкент,
Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй. 622, 635-хоналар.

**Хатлар учун:**
700011, Тошкент-11, а/қ 7168

**Телефонлар:**
Хатлар бўлими: 136-57-62,
масъул котиб 144-34-24
ижодий бўлимлар— 144-23-90,

Қабулхона — 144-23-34.
133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

